

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

5111100-Муסיқа таълими йўналиши
III-курс талабаси Хайдаров Нуриддиннинг
Муסיқа ўқитиш назарияси ва методикаси фанидан
“ Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари чолгулари ” мавзусидаги

КУРС ИШИ

Тайёрлади: _____

Қабул қилди: _____ Курбонова М

“ ____ ” _____ 2014 йил

Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари чолғулари

РЕЖА

Кириш.

Асосий қисм.

- 1. Ўрта Осиё мусиқа чолғулари.**
- 2. Мусиқа илмида чолғулар ва уларга оид манбалар.**
- 3. Шарқ халқлари мусиқа чолғулари.**

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Кириш

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ижросидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларида мусиқа таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароит яратиш каби вазифалар ҳам босқичма-босқич равишда ҳаётга татбиқ этилаяпти. Ана шундай кенг кўламли ишларнинг самараси ўлароқ бугунги кунда юртимизда аجدодларимизнинг бой мусиқий меросини, қадимий ва серқирра мусиқа маданиятимизни ўрганиш ва тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ушбу бебаҳо меросдан баҳраманд этиш баробарида уларга миллий ва жаҳон мусиқа санъати дурдоналари кенг ўргатилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, мусиқа миллатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи муҳим омиллардан бири саналиб, инсон руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида, қалбига юксак ва беғубор туйғуларни сингдириш, уни эзгу ва хайрли ишларга даъват этишда, маънавиятини юксалтиришда беқиёс аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан фикр юритадиган бўлсак, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўзига хос ўрни бор. Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавия тарбия масаласи ҳеч шубҳасиз беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва маъсулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятларимиздан, тарихий хотираларимиздан

айрилиб, охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Истиқлолимизнинг таянчи бўлиши маънавий баркамол ҳам маънан соғлом авлодни тарбиялаб етиштиришда мусиқа санъатининг ўрни ниҳоятида беқиёсдир. Мусиқа жамият ривожланишининг ҳамма босқичларида ҳам инсонни тарбиялаш ва маънавий бойитишнинг воситаси сифатида хизмат қилади”¹. Ўзбек халқи бой маданий тарихга эга. Бу маданий мерос тарихий тараққиёт мобайнида шаклланган маънавий бойликларни, шу жумладан мусиқа санъатини ҳам қамраб олади.

¹ И.А.Каримов “Юксак маънавият —енгилмас куч” Т.Маънавият, 2008-й, 4-б

1. Ўрта Осиё мусиқа чолғулари.

Мусиқа илмининг амалий ва назарий тараққиётида хусусан, чолғу ижрочилигида миллий мусиқа чолғуларининг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб чолғу ижрочилиги мусиқа асарларини пайдо бўлишида мусиқа маданиятининг ривожланишида, асрлар оша такомиллашиб, бизнинг давримизгача етиб келишида асосий омил ҳисобланади. Мусиқа чолғулари, чолғу ижрочилиги ҳар бир даврда мусиқа илмининг амалий ва назарий тараққиётига асосий манба ҳисобланиб, халқ чолғулари ҳар бир миллатнинг миллий мусиқа ижрочилигига мос ихтиро қилинади. Мусиқа чолғулари ижросида эса ҳар бир миллатнинг мусиқа ижрочилигига хос миллий мусиқий садоланиш қоидалари, миллий мусиқий ижро тузилмалари, ижрочилик мактаблари, мусиқий ҳолат, мусиқий асарлар, ижро безаклари, маҳорат ва бошқа мусиқа ижрочилигига мансуб масалалар намоён бўлиб туради. Чунки миллий мусиқа чолғуларида асосан кўпроқ ҳар бир халқнинг миллий мусиқа меросига оид мусиқий асарлари ижро этилади ва шу боис халқ чолғулари деб аталади. Ҳар бир миллатнинг мусиқа мероси, миллий мусиқа чолғуларининг ижроларидаги садоланиш билан бир-биридан фарқ қилади ва ижро мусиқий асарларни қайси миллатга мансублигидан дарак беради. Масалан, араб, форс, турк, ҳинд, ўзбек, тожик, қозок, қирғиз, туркман мусиқаси ва ҳоказо. Ҳосил қилинган мусиқа садоларидан бири «**нағма**» деб аталиб, «**нағма**» икки хил номланган.

«**Қавлий**» бу табиий инсон товушидаги садолар ва “**феълий**” эса сунъий деб саналиб, яъни мусиқа чолғуларидан бири чиқадиган мусиқий садолар тушунилади². Мусиқа чолғуларининг кўплари қадимий мусиқа чолғулари ҳисобланса, баъзилари эса кейинги йилларда ихтиро қилинган мусиқа чолғуларидир. Албатта, дастлабки яратилган мусиқа чолғулари оддий, содда яъни дастлабки мусиқий садолар ҳосил қилинишининг бошланиши бўлган. Мусиқа чолғуларининг яратилиши тарихи неча минг

² Исҳоқ Ражабов. Макомлар масаласига доир. Тошкент 1963 й.

йилларга бориб тақалади. Бизнинг эрамизда иншо қилинган баъзи бир муסיкий рисоалардаги маълумотлардан бирида дастлабки муסיқа чолғуси ғарё Фишоғурс (Пифагор) ҳаким томонидан ихтиро қилинган.

Ҳозирги кунда дунёдаги Шарқ ва Овропа халқларида 300 дан ортиқ муסיқа чолғулари миллий муסיқа ижрочилигида қўлланилмоқда. Шу боис биз «Шарқ халқлари» миллий муסיқа чолғулари, Ўрта Осиё жумладан Ўзбекистон ҳудудида мавжуд миллий муסיқа чолғуларининг тарихи, замонавий муסיқа чолғулари ва уларнинг ҳозирги замон муסיқа маданияти ривожигаги ўрни ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Шарқ халқлари деганда биз араб, форс, тожик, турк тилларида сўзлашувчи, азалдан тарихи, урф-одати, маданияти ва санъати, адабиёти, муסיқа ижрочилиги бир-бирига яқин халқларни тушунамиз. Шу боис тарихда «Шарқ фалсафаси», «Шарқ адабиёти», «Шарқ адабиёти ва санъати», «Шарқ муסיқаси», «Шарқ муסיқа чолғулари» ва жуда кўп умумий атамаларнинг гувоҳи бўламиз. Шарқ халқлари деганда Мағрибдан Машрикқача, яъни кун чиқардан кун ботаргача бўлган масофа оралиғида истиқомат қилаётган халқлар тушунилади. «Шарқ муסיқаси» тўғрисида Абдурауф Фитрат шундай фикр билдиради: «Бизда Шарқ муסיқасига қарши Ғарб муסיқаси деган сўз юрадир. Бу кун бу сўздан англашилган маъно турк, араб, форс миллатларнинг муסיқасидир». Қадимул айёмдан ва ҳозирги кунгача «Шарқ халқлари» муסיқа ижрочилигида қўлланилаётган миллий муסיқа чолғуларининг яратилиш тарихи, номланиши, кўриниши ва тузилиши, шакли, ижро ҳолатлари умуман муסיқа яратилиш тарихи, номланиши муסיқа ижрочилигига тегишли жуда кўп яқин ўхшашликлар мавжуд бўлиб, уд, най, чанг, қонун, ғижжак, дутор, сетор, доира, карнай, сурнай, ноғора ва бошқа кўпгина муסיқа чолғуларининг номланиши уларда мавжуд тузилмаларнинг номланиши ҳам араб, форс, турк тилларидадир.

Чолғу ижрочилиги йилдан-йилга бойиб, такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда чолғу ижрочилигига алоҳида эътибор берилиб, Бошланғич, Ўрта ва Олий муסיқа даргоҳларида «Чолғу ижрочилиги»

бўлимлари фаолият кўрсатиб, барча миллий мусиқа чолғуларининг ижролари ўрганилмоқда. Мусиқа чолғулари узоқ йиллардан буён турлича номланиб келинмоқда. Ўзбекистонда «Халқ чолғу асбоблари», араб тилида «Олоти мусикий», форс тилида «Созҳойи миллийи мусикий», «Олоти мусикий», «Асбобҳойи халқий», рус тилида «Музыкальные инструменты», латин тилида «Музыкал инструметс» ва ҳоказо. Халқ чолғулари тўғрисида кўпгина мусикий рисоалар, илмий рисола ва мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалари иншо этилди. Ўзбекистонда ҳозирги кунда «Халқ чолғу асбоблари» ўрнига «Халқ чолғулари» билан бир қаторда «Миллий мусиқа чолғулари» деб аташни лозим топдик.

Кейинги 24 йил ичида мусиқа чолғуларининг миллий услубдаги ижрочилик бўлимлари ташкил этилиб, етук ижрочилар етишиб чиқди. Улар орасида Халқ ҳофизлари, Халқ ва Хизмат кўрсатган артистлар, Умумжаҳон, Ўрта Осиё, Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган чолғу ижрочилиги танловларининг ғолиблари, етук созандалар етишиб чиқиб улар чолғу ижрочилигида ўзига хос ижрочилик мактабларини яратган устоз созандаларнинг анъаналарини давом этилиб, муайян чолғу ижрочилиги йўналишларини яратмоқдамиз. Шунинг учун кейинги йиллардаги чолғу ижрочилигига хос мусикий маълумотларга кенг урғу берилди.

X-XII асрларда Ўрта Осиёда мусиқа санъати жумладан, чолғу ижрочилиги анча ривожланиб. Ўша даврларда жуда кўп мусиқа чолғулари мусиқа ижрочилигида кенг қўлланилган. Бу борада мусиқашунос Дарвеш Али Чанғий ўзининг мусикий рисоласида чанг, уд, най, доира мусиқа чолғулари айниқса, 5 ва 6 қўш торли «Уд» мусиқа чолғуси ҳақида маълумот бериб, бу мусиқа чолғусининг ўша даврдаги мавқеини ва мусиқа ижрочилигидаги ўрнини юқори баҳолаб «Уд» барча мусиқа чолғуларининг подшосидир ва «Руд» мусиқа чолғуси ҳам камон воситасида ижро этилганлиги ҳақида маълумот беради.

Маълумки IX-X асрларда яшаган буюк шоир Абу Абдулло Рўдакий ўз замонасида «Руд» ва «Чанг» мусиқа чолғуларининг моҳир ижрочиси бўлган.

Ўша даврда яшаган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асари яратилиб, бу асарда бир қанча меҳнат қўшиқлари, қаҳрамонлик қўшиқлари, умуман жуда кўп турли хил қўшиқлар ўз аксини топган. X асрнинг буюк алломаси мусикашунос олим Абу Наср Фаробий (873-950) мусика илмига катта эътибор бериб мусика чолғуларининг ижролари, мусика назарияси, «Шарқ нота тизими»ни яратиш ва уларни ўша даврдаги мусика ижрочилигига қўлланиш масалалари, математика фанини мукаммал ўрганиш билан бирга математика фанининг бир тури ҳисобланган мусика илмини ўрганиш ва уни тарғиб этишга ўзининг буюк ҳиссасини қўшган. Унинг «Китоби-л-муסיқий ал кабир» (Мусика илмига оид катта китоб) асарида турлича мусика усуллари (зарблари) мусика чолғуларидан уд, танбур, най, чанг ва турлича муסיқий овозлар ҳақида маълумот берилган.³ X аср ашула санъатига доир маълумотлар Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ҳам ўз аксини топган. Ўзбек адабиётшунос олими Н.Маллаев қадимий кўлёмалардаги маълумотларга таяниб X-XII асрларда Ўрта Осиёда мусика чолғуларидан танбур, рубоб, кус (қўш) ноғора, кубус, табл, зурна, най, чағона, шайпур, сурнай, карнай, арғунун, қонун каби ҳамда зарбли ва пуфлама мусика чолғулари мусика ижрочилигида кенг қўлланилганлиги ҳақида шунинг билан бирга шу даврда «Рост», Хусравоний «Бода», «Ушшоқ», «Зурафканд», «Бўшлик», «Сипахон», «Наво», «Баста», «Тарона» ва жуда кўп мусика асарлар ижро этилганлиги ҳақида маълумот берган⁴. Тиббиёт дунёсининг алломаси Абу Али Ибн Сино (908-1037) ҳам мусика илмига катта эътибор берган. Баъзи муסיқий рисоаларда зикр этилишича Абу Али Ибн Сино гўё Султон Маҳмуд Ғазнавий, Носир Хисравлар билан биргаликда «Ғижжак» мусика чолғусини ихтиро қилганлиги ҳақида маълумот берилган⁵.

X асрда яшаган Муҳаммад Ибн Мусо ал Хоразмий ҳам мусика илмига катта эътибор берган. Шундай қилиб XII асрларга келиб Фаробий ва Ибн

³ М.М.Хайруллаев. Фаробий. Тошкент 1963. 176 с

⁴ М.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент 1965. 94 с

⁵ (А.Ражабов. «Нағмаи Ниёгон. Душанбе. Адиб 1998. 194 с)»

Синоларнинг мусиқа назарияси асосида хоразмлик олим Ар-Розий ҳамда Аш-Шерозий, Урмавий, Амулий ва бошқа олимлар ҳам мусиқа илми билан шуғулланганлар.

Ўрта Осиё халқлари тарихда жуда кўп истилочиларни, босқинчилик ҳаракатларини ўз бошидан кечирган. Масалан, Ахмонийлар, Сосонийлар, Македониялик Искандар (334), Чин хоқонлари (IV), Араб халифалиги (VII аср 665), Мўғил истилочилари (XII аср 1219) ва бошқалар. Бу даврларда Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийсининг кўп жойлари харобага айланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудидаги Хоразм, Афросиёб, Холчаён, Термиз, Варахша, Балаликтепа, Даливарзинтепа ҳудудларида олиб борилаётган археологик қазилмалар натижасида топилган жуда кўп мусиқа чолғуларининг қоладиклари. Хонанда ва созандалар акс эттирилган нусхалари топилмоқда.

Фақат Амир Темур замонида Туркистон Мўғул босқинчиларидан озод қилинди. Моварауннаҳр қўлга олиниб, Самарқанд унинг пойтахти деб эълон қилинди. Ундан ташқари Олтин Ўрдага юриб Шимолий Кавказни, Астрахан, Қора денгиз бўйлари 1399 йил Эрон, Шимолий Ҳиндистон, Туркия 1402 йил, кейин Ироқ, Сурия ва бошқа жуда кўп мамлакатларни эгаллади. Шу даврда Моварауннаҳрда маданият, адабиёт, санъат ривожланди. Айниқса Самарқандда илму-хунар соҳиблари, олимлар, меъморлар, наққошлар, рассомлар, актёрлар, мусиқашунослар, хонанда ва созандалар тўпландилар. Мусиқа илмининг намоёндалари Абдулқодир Мароғий, созанда ва бастакорлардан Сайфиддин Қутби Нойи, Саид Юсуф кубус, Дарвеш Бек ва бошқалар яшаб ижод этдилар⁶. XIV-XVI асрларда асосан маданият ва санъат соҳасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Улуғбек даврида айниқса Моварауннаҳр маданияти анча юксалди. Улуғбек Самарқанд ва Ҳиротда машҳур буюк алломалар, олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар доирасида хусусан ўша даврда Шарқда машҳур Муҳаммад Хоразмий, Қозизода Румий,

⁶ М.Рахмонов. Ўзбек театри. Тошкент 1975 й. 217 с

Ғиёсиддин бин Маъбудий, Али Қушчи ва бошқалар билан бирга ижод қилди. Абдурауф Фитрат Улуғбек замонасида Самарқандда яшаб ижод этган мусиқа илмининг намоёндалари ҳақида маълумотлар беради. Самарқандлик Дарвеш Аҳмад Қонуний, Султон Аҳмад Ноий, мусиқа рисоласининг муаллифи қоракўллик Ҳисорий, хоразмлик Абу Вафо, мусикашунос Соҳиб Балхий, шахрисабзлик бастакор Абдул Барака, Навоийнинг муаллими машҳур созанда Хўжа Юсуф Бурхон, Навоийнинг тоғаси Муҳаммад Ғарибийлар ва ҳақозолар. Машҳур мусикашуносҳофиз Дарвеш Али Чангий ўзининг «Тухфат-ус-сурур» («Шодлик тухфаси») асарида Улуғбек ҳам мусиқа илмига катта эътибор берган дейди⁷.

Улуғбек фаолиятдан кейин (1449) шу даврда Хуросон Шарқий ва Шимолий Эрон ҳудудида Темурийларнинг охирги йирик давлати ҳукмронлик қилиб, унинг пойтахти Ҳирот шаҳри ҳисобланиб, бу шаҳарда ўз даврида адабиёт, санъат, маданият, мусиқа соҳаларини ривожига катта эътибор берган ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий (1441-1501) яшаб ижод этар эди. Бу даврда Навоий билан биргаликда Хоразмий, Хўжандий, Абдурахмон Жомий, Сайфий Сароий, Аҳмадий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ Мажруий каби шоирлар, тасвирий санъатнинг улуғ намоёндаси Бехзод, Мирак Наққош ва хонандалардан Ҳофиз Басир, Ҳофиз Мир, Ҳофиз Хасан Али, Ҳофиз Жомий, Ҳофиз Турбатий, созандалардан Хасан Нойи, Қулмуҳаммад Удий, Хасан Болабоний, Али Хонадоний Муҳаммадий, Аҳмад Ғижжакий, Али Кўчак Танбурий ва бошқалар Ҳирот шаҳрида яшаб ижод этганлар. Айниқса, Алишер Навоий мусиқа дунёсининг намоёндаларига ўзи ҳомийлик қилган. Ўша даврда кўпгина уйдан ногора, най, ғижжак, уд, танбур ва бошқа кўпгина мусиқа чолғуларнинг садолари эшитилиб турар экан. Восифий эса Хусайн Бойқаро саройида ҳам тез-тез бўлиб турадиган базм, мушоираларда, тантана ва томошаларда турли мусиқа ижрочилари қатнашганлиги ҳақида маълумот беради.

⁷А.Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. Самарқанд-Тошкент 1927 й. 58 с

Умуман А.Навоий Ҳиротда адабиёт, санъат ва маданиятни юқори даражага кўтарилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Айниқса мусиқа маданиятининг ривожда янги куйлар, қўшиқлар, мусиқий рисоалар ёзилди ва бастакорлар, хофизлар етишиб чикди. Навоийнинг илтимосига биноан Абдурахмон Жомий «Рисолаий мусиқий» асарини ёзди. Зайнулобиддин ал Хусайний «Қонуни илму ва амалийи мусиқий» («Мусиқа илмининг амалий ва назарий қонунлари») номли мусиқа рисоласини ёзиб, уни Навоийга бағишлади. Абдулқодир Мароғийнинг «Мақосид ул алҳон» рисоласи ёзилди. Навоий ўзининг «Маолисун – Нафоис» асарида мусиқа илми билан ижод қилган шоирларни номларини тилга олади. Абдулла Вафойй, Хоразмий, Жомийнинг жияни Мавлоно Муҳаммад ҳамда Хўжа Абдулло мусиқа соҳасида ҳам ижод қилганлиги шу билан бирга Навоий ўз замонасининг буюк созанда бастакори Хўжа Юсуф Бурхонни эслаб, бу зот мусиқа илми бўйича Навоийнинг устози эканлиги ҳақида маълумот беради⁸.

XIV ва XV асрларда илм-фан, маданият ва санъат соҳасида фақат Самарқанд ва Ҳиротда эмас балки бу даврда Фарғона, Тошкент, Бухоро, Кеш, Хива каби Моварауннахрнинг бошқа жойларида ҳам санъатнинг барча соҳалари каби мусиқа санъати ҳам тараққий этди. Ўша даврда Фарғона хукмдори Умаршайх (Бобурнинг отаси) ўз пойтахтига кўпгина маданият ва санъат намоёндаларини тўплашга ҳаракат қилади. «Бобурнома» асарида Бобур ўша даврдаги Андижон маданиятининг равнақи ҳақида гапириб, ушбу диёр мусиқа намоёндаларидан Хўжа Юсуфни Восифий эса Тошкентлик бастакор, созанда шоҳ Хусайн ҳақида маълумот беради⁹. Шундай қилиб Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи XIV-XVI асрларда илм-фан, маданият, санъат, мусиқа, наққошлик, ҳаттотлик ва бошқа соҳада катта муваффақиятга эришди. 1849 йилдан бошлаб Шайбонийхон даври бошланди. У темурийлар даврида Бухорода таҳсил олган бўлиб бобоси Абдулхайрхон анъанасини

⁸ А.Навоий. Танланган асарлар. Жилд III. 1948. 13-112 с

⁹ Бобурнома. Тошкент 1958. 12 с

давом эттириб Туркий давлатларни бирлаштириш мақсадида темурийлар давлатига ҳужум қилди. Кўп ўтмай Моварауннаҳр, Хоразм, Хуросонни қўлга киритиб Бухоро, Самарқанд, Урганч, Ҳирот шаҳарлардаги қаттиқ жанглар боис Темурийлар давлати ўрнига Шайбонийларнинг ўзбек давлати тузилди. Шу даврда маданият ва санъат соҳасида анча тушкунлик рўй бериб, кўпгина илм-фан соҳиблари ўз ватанларини ташлаб хорижий мамлакатларга кетишга мажбур бўлди. Жумладан, Бобур Мирзо Ҳиндистонга бориб «Буюк Мўғул Давлати» номи билан қурган давлати натижасида Моварауннаҳр ва Хуросон маданияти ҳам уларда ривожланиб, бир қанча санъаткор, хонанда ва созандалар ҳам Ҳиндистонга кетиб қолганлиги ҳақида Девеш Али маълумот беради.

XV аср мусиқа илми намоёндаларидан бири Нажмиддин Кавкабий бўлиб Девеш Али Чангийнинг ҳикоя қилишича Кавкабий Ҳиротда таҳсил кўрган бўлиб, уни Убайдуллоҳон томонидан Ҳиротдан Бухорога олиб келинганлиги ва Кавкабий бу ерда ўзининг мусиқа мактабини яратиб, Хўжа Муҳаммад, Ризо Самарқандий, Хўжа Хасан Нисорий, Хасан Кавкабий, Боди Жарроҳ каби мусиқашуносларни тайёрлаб, ўзининг мусиқа соҳасидаги буюк мусиқа рисоласи «Рисолай мусиқий» яний «Рисола дар баёни дувоздах мақом» асарини яратди.

XVI асрга келиб маданият, санъат жумладан, мусиқа санъати ҳам тушкунликка тушди. Урушлар кучайиб кетди. Натижада 1716 йилда Фарғонада Ўзбеклар уруғидан ҳисобланган Шохрухбий Қўқонни Бухородан ажратиб, Қўқон хонлигини барпо этди. Кейинчалик Туркистон XVII асрлардан бошлаб Бухоро, Қўқон, Хоразм хонлигига бўлиниб кетди.

2. Мусиқа илмида чолғулар ва уларга оид манбалар.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари жуда кўп тарихий воқеаларни бошидан кечириб, ҳар бир даврда барча фанлар қатори мусиқа илми ҳам гоҳ ривожланиб, гоҳ тушкунликка учраб, мусиқа чолғулари ижроси созанда ва хонандалар, мусикашунослар турли хил ҳолатда яшаб ижод этишди. Юқоридаги Ўрта Осиё ҳудудидаги мавжуд мусиқа чолғулари турли хил жараёнларни бошидан кечириб, кўпгина мусиқа чолғулари урушлар жараёнида бошқа давлатлардан келтирилиб, баъзан бошқа хорижий давлатларга олиб кетилиб, турли хил ҳолатларда мусиқа ижрочилигида қўлланилган. Умуман Ўрта Осиё маданияти бутун Шарқ маданияти ривожига катта ҳисса қўшди.

VII асрлардан бошлаб Ўрта Осиё мусиқа санъати шу даражада ривожланганлигидан ҳам тарихда Борбад Марказий номли туркистонлик бастакор, ҳофиз, созанданинг номи зикр этилган. У VII асрларда Фахлбод (Борбад) номи билан машҳур бўлиб уни Эронга олиб кетишган. Фахлбод ўзининг мусиқа мактабини яратиб, ўн икки мақомни баъзи бир нусхаларини яратилишига асос солган, яъни Туркистон мусиқасини Эронга тарқатган¹⁰.

Ҳар бир аср, даврда миллий мусиқа ижрочилигида қандайдир мусиқа чолғуси асосий етакчи ўрин эгаллаган. Масалан, Шарқ халқларида жумладан, Ўрта Осиёда VII асрлардан то XVIII асрларгача мусиқа ижрочилигида «Ўн икки мақом» номи билан аталувчи туркум асарлар ижро этилиб, бунда «Уд» чолғу асосий ҳисобланган бўлса, XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошланишида Ўрта Осиёнинг адабиёт, санъат ва маданият ривожланган шаҳарларидан бири Бухорода «Ўн икки мақом» туркуми ўрнига «Шашмақом» шаклланиб, бунинг ижросида эса «Танбур» асосий мусиқа чолғуси бўлган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларида турли-туман мусиқа чолғулари

¹⁰ (Маъориф ва маданият журнали. Баку 1923 й. 8, 9 с)

бўлиб бу давлатларда бир хил ном билан аталувчи лекин турли хил асарларнинг ижросига мўлжалланган мусиқа чолғулари миллий мусиқа ижрочиликда кенг қўлланилмоқда. Улар – танбур, дутор, доира, рубоб, сурнай, карнай, ғижжак, ноғора, чанг, қобус ва ҳакозо. Шу қатори айрим вилоятларнинг ўзига хос мусиқа чолғулари бўлган. Хоразмда – буламон, гармон, тор. Бухорода – Афғон рубоб, Фарғона вилоятида – кўшнай, дутор мусиқа чолғулари бор. Абдурауф Фитрат ўзининг «Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи» асарида маълумот беришича 1920 йилларда Бухорода – танбур, дутор, най, кўшнай, қобус, доира, рубоб, ноғора, карнай, сурнай, дўмбра каби мусиқа чолғулари ижрочиликда қўлланилган.

Ҳозирги Тожикистон ҳудуди то Афғонистон чегарасигача жанубий Бухоро деб аталган. Ундан ташқари жуда кўп хорижий давлатлар билан чегарадошдир. Масалан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон ҳамда Хитой, Ҳиндистон, Покистон каби кўп давлатлар билан чегарадош баъзиларига яқин. Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон Автоном вилоятида Помир рубоби, Бадахшон рубоби, вландзиком ва Бадахшон танбури, Бадахшон сатори, Помир найи, кумри, домбра, ғижжак, даф, лабчанг, панжтор, дувоздаҳ тор (ўн икки торли) ва бошқа ном билан аталувчи мусиқа чолғулари ижрочиликда қўлланилмоқда. Тожикистоннинг Хўжанд, Ўратепа, Исфара, Конибодом каби манзилгоҳлари Фарғона водийси билан чегарадош бўлиб мусиқа ижрочилиги ҳам бир-бирига яқин. Қоратегин, Дарвоз, Фарм манзилгоҳларида чолғу ва ашула йўли ижросига хос мусиқий асарлар ижроларида кўпроқ дўмбра, таблак, жиғак (ғижжак) каби мусиқа чолғулари қўлланилади. Айниқса Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида дутор, дўмбра, доира, ғижжак, най кўпроқ учрайди.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё ҳудудида қадимий мусиқа чолғулари билан бир қаторда кўп овозлилиқка мослаштирилган (реконструкция) мусиқа чолғулари мавжуд. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан Тошкент, Душанбе, Олма Ота, Самарқанд шаҳарларида Ўрта Осиё ва Умумжаҳон миқёсидаги

мусикий анжуманлар ўтказилиб миллий муסיқа ижрочилигига хос асарлар жумладан, миллий муסיқа чолғуларининг ижролари намоёиш этилмоқда.

Олма Ота шаҳрида 1973 йилда ўтказилган Осиё давлатларининг мусикий трибунаси, Душанбе шаҳрида 1990 йилда Борбад Марвазининг таваллудини 1400 йиллигига бағишлаб ўтказилган умумжаҳон мусикий анжумани, Тошкент шаҳрида 1975 йилда ўтказилган «Мақом, мугам ва замонавий бастакорлар ижоди» ҳамда Самарқанд шаҳрида кўп йиллардан буён ўтказилаётган «Шарқ тароналари» мусикий анжуманлари шулар жумласидандир.

Шундай қилиб ҳозирги кунда Шарқ халқлари хусусан Ўрта Осиё худудидаги давлатларда мақом асарлари (Бухоро, Хоразм, Фарғона, Тошкент мақомлари) ҳамда уйғур мақомлари классик куйлар, халқ ашулалари бахшичилик, дostonчилик, фолклор кўшиқлари, айтишувлар, лапар ва бошқа муסיқа ижрочилигига хос мусикий асарлар ижросида турли-туман 30 дан ортиқ муסיқа чолғулари кўлланилмоқда.

Миллий муסיқа чолғуларини ижроларига умуман миллий муסיқа ижрочилигига кам эътибор берилиб, натижада 1972 йилда Тошкент Давлат Консерваториясида Санъатшунослик фанлари доктори профессор Файзулло Кароматов раҳбарлигида мақом асарларини ижролари, умуман миллий муסיқа ижрочилигига хос «Шарқ муסיқаси» кафедраси ташкил қилиниб, миллий муסיқа чолғуларини ижролари қайта тикланиб, муסיқа ижрочилигида уд, танбур, қонун, най, ғижжак, дутор, рубоб, доира, сурнай, кўшнайн, сато ва бошқа муסיқа чолғуларини миллий услубдаги ижролари ҳам ўрганила бошлаган. Демак, ҳозирги кунда анъанавий муסיқа ижрочилигида барча миллий муסיқа чолғуларини миллий услубдаги ижроларига катта эътибор берилмоқда.

Муסיқа илмининг тарихи жуда қадим-қадимларгача бориб тақалади. Лекин бизнинг эрамиздан аввалги мусикий маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Фақат кейинги йилларда олимларнинг қидирувлари натижасида ер остидан ва жойлардан топилган уй, рўзгор буюмларидаги мусиқа чолғуларининг ва ижрочиларнинг тасвирлари акс эттирилган суратлар ва бошқа маълумотларга таяниб, мусиқа илмининг жуда қадим тарихга эга эканлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, «Авесто» асари 3000 йиллик тарихга эга бўлган нодир асар ҳисобланади. Албатта ўша даврларда ҳам маданият, санъат хусусан, мусиқа ижрочиличи ҳам бўлган. Тарихчи Маъсудийнинг «Маруж-аз-заҳаб» (Олтин водий) китобида қайд этилишича Александр Македонский Истаҳар шаҳрини босиб олгач олимларга «Авесто»даги тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга доир ўринларни таржима қилдириб, қолган қисмини ёқиб юборишни буюрган. Маъсудийнинг маълумотларига кўра «Авесто» матни 12 минг олтин тахтага ёзилган¹¹.

Мусиқа илми қачон пайдо бўлган? деган саволга жўнгина қилиб, одамзод яратилган лаҳзада деб жавоб бериш мумкин. Ривоятларда айтилишича Аллоҳ Таоло Ҳазрати Одамни яратиб, унинг вужудига жонни киритиш жараёнида мусиқа садолари арзу самони тўлдириб турган экан. Мусиқа ҳақида гап кетганда «Жонбахш» сифатининг қўлланилиши ҳам шундан бўлса ажаб эмас¹².

Лекин мусиқа илмининг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Мусиқа илми гўё бир илоҳий куч бўлиб, унинг пайдо бўлганлиги ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. «Зухро юлдузи хонанда-созандаларнинг ҳомийси ҳисобланган. Чўлпон юлдузи ёки Венера сайёраси¹³.

Бизнинг эрамизда яшаб ижод этган кўпгина алломалар фаннинг турли соҳаларида ижод этиш билан бирга мусиқа илмига ҳам алоҳида эътибор берганлар.

Масалан, Арестотел, Пифагор, Фаробий, Ибн Сино, Урмавий, Мароғий, Жомий, Навоий, Кавкабий, Хусайний, Дарвеш Али Чангий, Комил Хоразмий ва бошқалар IX асрлардан бошлаб «Мусиқа» илмига ва унинг ижрочиличига

¹¹ Тилаб Махмудов. Авесто ҳақида. Тошкент 2000. 6 с

¹² Нафас Шодмонов. Темурийлар даврида мусикашунослик. Тошкент 1995. 3 с

¹³ А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати IV. Тошкент 1985. 316 с

оид мусикий асарлар пайдо бўла бошлади. Фаробийнинг «Китобу-л-мусикий ал кабир» (Мусикага оид катта китоб) X-XI асрларда Абу Али Ибн Синонинг «Китобу-ш-шифо», «Донишнома» китобларидаги махсус боблар. Абдулқодир Мароғийнинг «Мақосид-ул-алҳом» (Куйлар мақсадлари) Урмавийнинг «Рисолатуш-шарафия), Кутбиддин Шерозийнинг «Дурратуттож» мусикий рисолалари. Абдурахмон Жомийнинг «Рисолайи-мусикий» (Мусика илми рисоласи). Кавкабийнинг «Рисолайи-мусикий» асари, яъни «Рисола дар баёни дувоздаҳ мақом» «Ўн икки мақом баёнига бағишланган рисола», Хусайнийнинг «Қонуни-илми» ва «Амалийи мусикий», Дарвеш Али Чангийнинг «Тухфату-с-сурур» асарлари шулар жумласидандир.

Комил Хоразмийнинг «Танбур нота чизиги»да эса мақомлар нота ёзуви берилган. Ёзилган илмий асарларда ҳар бир мутафаккир олим ўзи яшаб ижод этган давридаги мусикий ҳаётга доир мусиқа илмини амалий ва назарий соҳаларига тегишли мусиқа чолғулари ва уларнинг ихтирочилари, созанда, хонанда, бастакор, мусиқашунослар тўғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Қадимий шаҳар ва ўлкаларнинг номлари кўпгина ёзилган асарларда зикир этилган. Масалан, Ўрта Осиё ҳудудидаги Моварауннаҳр, Турон, Туркистон, Самарқанд, Термиз, Бухоро, Фарғона, Хоразм, Қарши, Шаҳрисабз, Ажам, Ҳисор, Марв ва ҳақозо шаҳарлараро «Буюк ипак йўли» воситасида иқтисодий ва маданий алоқалар олиб борилган¹⁴. Бу асарда баъзи бир шаҳарлар ва ўлкалар тўғрисида қуйидагича маълумотлар берилган: Моварауннаҳр – ўрта асрларда Амударёнинг ўнг томонидаги ерлар то Сирдарёгача, Фарғонадан Хоразмгача бўлган жойлар шундай номланган.

Марв – Хуросоннинг обод ва машҳур шаҳари ҳозирги Мари шаҳри. **Хуросон** – шарқдан Моварауннаҳр, ғарбдан Кўҳистон билар туташган. Ҳирот, Марв, Балх, Нишопур каби катта шаҳарлари мавжуд. **Хоразм** – Моварауннаҳрдаги машҳур воҳа. **Шаҳрисабз** – Моварауннаҳрдаги гўзал ва

¹⁴ А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати IV. Тошкент. 1985 йил

кадимий шаҳар: Дедилар Кишвари дурур дилкаш. Оти ҳам Шаҳрисабз эрур ҳам Каш. **Шероз** – Эрондаги шаҳар номи. Хуросон демакин, Шерози Табруз, ки қилмишдур найи килким шакаррез. **Нахшаб** – Моварауннаҳрдаги шаҳар номи. «Насаф» номи билан юритилган, ҳозирги Қарши шаҳри. Маҳи Нахшаб – Қарши гўзали. Бўлур шом ул маҳи нахшаб равона. Каманди зулфин очиб-шаб равона. **Самарқанд** – Моварауннаҳрдаги маъмурий ва маданий марказ бўлган қадимий шаҳар. Қадимий Сўғд давлатининг пойтахти Мароканд. **Тошкент**- қадимий Шош шаҳрини кейинчалик шундай аташган. **Бухоро** – Моварауннаҳрдаги адабиёт маданият ва санъат ривожланган қадимий шаҳар. **Ажам** – қадимда Эронни шундай аташган. Араблар Арабистондан ташқаридаги ерларни ҳам Ажам деб аташган. **Астрабод** – Касбийнинг жанубий-шарқида жойлашган Эрон шаҳарларидан бири, қадимда «Журжон» номи билан машҳур бўлган. Кўнгил мулкин истар обод, ваҳ бузар хайли фиروق. То Навоий азми мулки Астробод айлади.

Юқоридаги номлари зикр этилган шаҳарларда илму-фаннинг барча соҳаларида ижод қилган етук алломалар, шеърят, адабиёт, санъат, муסיқа дунёсининг ижодкорлари яшаб фаолият кўрсатишган. Муסיқа соҳасидаги мутахассислар ҳам хон саройида яшаб ижод этишган.

Масалан, VI асрда Ўрта Осиёлик ҳофиз-созанда, бастакор, муסיқашунос Борбад Марвазий Эрон шоҳи Хисрав Парвез саройида яшаб ижод этган. Шарқда у Борбад муסיқа чолғусининг ихтирочиси, Шарқ муסיқа маданияти ривожининг асосчиси сифатида тан олинади. X-XII асрларда Хуросон ва Турон муסיқа ижрочилигида кенг қўлланилган.

3. Шарқ халқлари муסיқа чолғулари.

Шарқ халқлари муסיқа чолғулари умуман кўпгина дунё муסיқа чолғуларининг асосини ташкил этиб, дастлаб миллий муסיқа чолғуларини деярли жуда кўп нусхалари Шарқ олимлари, алломалари томонидан ихтиро

этилиб келинган. Кейин бошқа давлатларга тарқалиб, улар кўриниш ва тузилиши жиҳатидан бир хил, фақат жойлашган муҳити, номланиши, шакли, тузилишлари, ижро этиладиган асарлари билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, барча шарқ халқларида най, доира, сурнай, уд, танбур, дутор, чанг ва бошқа мусика чолғулари учрайди. Яъни доира, ноғора, чирманда, думбелак ёки даф, най (флейта) чолғуси, миснай, ёғоч най, ғаров, ноғора, кўшнай, зурна сурнай, карнай. Уд чолғуси – леутпия, танбур чолғуси – танбур-тенбур ва ҳакозо номлар билан номланиб Шарқ халқлари мусика ижрочиличига қўлланилади.

Ҳиндистон, Покистон, Афғонистонда бир-бирига ўхшаш вина, сароб, сетор, танбур, тенбур, табл, зурна, камонча, сантур, соз, қонун каби мусика чолғулари. Хитой, Япония, Манголия бир-бирига ўхшаш ҳамда Хитойнинг Уйғур халқлари яшайдиган Қошқар маҳалгоҳида, Ўрта Осиёнинг Ўзбекистон, Тожикистон давлатларидаги уд, танбур, дутор, най, сурнай, кўшнай, доира, рубоб, ноғора, ғижжак, думбра, чанқобуз, биламон ва бошқа ном билан аталувчи мусика чолғулари учрайди.

Ҳиндистон ва Покистонда – ситор сурбаҳар, танбур, тунгтунги, эктар, кеманча, саранги, канун. Афғонистонда танбур, рабоб, саринда, дилрабо, кеманче. Камбоджада – акхонг, шонг, чапей, сралай, са-дин, трокхер. Лаосда – тапхан, кхен, тхаке, романия, Кхонг-вапг, рангхат. Индонезияда – сралай, гамбуз, нинут. Африкада – кланги, валиха, тотамбито, багана. Арабистонда дарбако, замр, зурна, уд, канун, рубоб, сантур, наққария, бендур, дурбек. Туркияда – сурна, нафир, лира, кеманче, хорон, рабоб, уд, танбур, канун, джид-жик, тулума, деф ёки думбелак. Эрон ва Кавказ халқларида – тор, соз, уд, қонун, сантур, чанг, танбур, зурна, табл, деф ва бошқа мусика чолғулари ижрочиликда кенг қўлланилмоқда.

НАЙ. Бу мусика чолғуси барча Шарқ халқларида учрайди. Кўпгина давлатларда най мусика чолғуси ётиқ ҳолда ижро этилса, баъзи давлатларда



эса тик ҳолда ижро этилади. Най мусиқа чолғусининг яратилиши ҳақида турли хил маълумотлар мавжуд. Улардан бирида гўё най темирчиларнинг оловини ҳавоси орқали пуфлаб берадиган нарсасига қиёс қилиб Хоразмшоҳ Мавлано Сафжиддин Ал-Мўмин томонидан ихтиро қилинган дейилади. Най мусиқа чолғуси зардолидан, тутдан, ғаровдан, нукра, кумуш ёки мисдан ясалади. Унда етти овоз чиқарувчи тешик пардалар бўлиб, биттаси алоҳида оғиздан нафас бериш учун, олтитаси бир жойда бирин-кетин олти бармоққа мосланиб, булар асосий садо чиқарувчи айлана пардалар ҳисобланади.

1924 йилларда Бухорода мавжуд най чолғуси тўғрисида куйидагича маълумотлар берилган. «Най қамиш маъносида форсча бир сўздир. Най «биринж» ё «бақир» дан (кумуш ёки мис) ясаладур¹⁵. Яна бир асарда танбур мусиқа чолғусини созланишида Бухорода мавжуд найлардан фойдаланилганлиги, яъни мис най «сол», ёғоч най «ля-бемоль», ғаров най «ля» товушларини бериб, асар ижросида танбур юқоридаги найлардан бири-бири «сол», «ля-бемол» ёки «ля» товушларига соз қилинар экан¹⁶.

Ўзбекистонда най мусиқа чолғуси ижрочилигида кенг миқёсда қўлланилади. Най сози ижрочилигида ўзи хос ижрочилик йўллариغا эга бўлган устозлардан – Абдуқодир Исмоилов, Ҳомиджон Жалолов, Айиб Қодиров, Саиджон Калонов, Ҳамиджон Жўраев, Абдул Аҳад Абдурашидов, Мирза Тоҳиров, Аҳмаджон Собиров, Тожикистонда эса Нисон Шоулов ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Давлат Консерваториясида най синфи бўйича профессор Мирза Тоҳиров ва доцент Аҳмаджон Собиров устозлик қилади.

СУРНАЙ. Сурнай мусиқа чолғуси ҳам ўз мураккаблиги билан ижрочидан улкан маҳоратни талаб қилувчи чолғу ҳисобланади. Сурнайнинг турли хил нусхалари мавжуд. Фарғона, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа жойларда катта




¹⁵ Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент. 1993 й. 33 с

¹⁶ Н.Миронов. Музыка узбеков. Самарқанд. 1929

нусхадаги сурнай, Хоразмда эса кичикроқ шаклли тузилишидан ҳам фарк килувчи сурнай чолғулари бор. Сурнай асосан тут, зардоли дарахтларидан тайёрланади. Сурнайда қуйидаги номланишдаги тузилмалар мавжуд. Сурнайнинг тана қисми, бошланиш томони кичикроқ доира шаклда, қуйи қисми каттароқ айлана шаклда. Унинг ижроси учун эса мисдан кичик найсимон нусха пил тайёрланиб, сурнайнинг юқори қисмида жойлаштирилади. Бунга нафасдан тўғри фойдаланиш мақсадида эбонет ёки дарахтдан айлана шаклдаги «Пешдам» номли нарсa тайёрлаб ўрнатилади. Унинг юқорисида эса қамишдан тайёрланган кичик найча ясаб ўрнатилади. Найчани ҳолатини яхши сақлаш мақсадида мисдан нил чўп ياسалади ва найча тозаланиб турилади. Сурнайни устки қисмида еттита садо берувчи айлана парда тешиги бор.

Сурнай халқ созандалари томонидан икки хил услубда ижро этилади. Муסיқий асар ижроси жараёнида шу асарни нафас қайтариш йўли билан, узлуксиз бир нафасда ижро этиш, ҳар бир муסיқа парчаларини ижросидан кейин нафас олиб ижро этиш йўллари мавжуд. Сурнайда турли хил турдаги муסיқий асарлари ижро этилган масалан, «Сурнай навоси», «Шодиёна» ва ҳакозо.

ҚЎШНАЙ. Қўшнай асосан иккита қамишдан ясалган муסיқа чолғуси бўлиб, авваллари фақат халқ орасида ижро этилиб келинган. Кейинги



йилларда эса бу муסיқа чолғусининг ижроси кўпгина муסיқа даргоҳларида ҳам ўрганилмоқда ва муסיқа ижрочилигида кенг қўлланилмоқда. Қамиш найчани юқори томони беркитилган, пастки томони эса очик. Юқори қисмида махсус тилчак очилиб, нафас орқали пуфлаб ижро этишга мўлжалланган ва еттита садо чиқарувчи парда тешиклари мавжуд. Ўзбекистонда кекса қўшнай чолғучи устозлардан кенг танилган Аҳмаджон Умрзоқов, Хоразмда эса Қурбонбой оға Отажоновлар бўлиб, ҳозирги кунда

ушбу устозлар анъаналарини Йўлдошали Тожиев, Матрасул Матёкубов, Мирзашариф Мирбаратов, Насриддин Алиев давом эттиришмоқда.

КАРНАЙ. Карнай катта ҳажмдаги мисдан, кумушдан ясалган мусиқа чолғусидир. Карнай уч қисмдан иборат бўлиб, мусиқа чолғулари орасида энг баланд ва пастги октаваларда энг кучли бас товушли садо берувчи мусиқа чолғуси ҳисобланади. Албатта, карнай асосан сурнай, доира ёки ногора ижролигида ижро этилади. Ўзбекистон ҳудудида ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда Қобуз, Хоразмда Буламон номли мусиқа чолғуси ижрочиликда қўлланилади. Ундан ташқари чанг, қобуз чолғусини асосан хотин-қизлар нафас ва кўрсаткич бармоқ билан ижро этишади. Сафоил, қайроқ, қошиқ каби чолғулар ҳам ҳозирги кунда фольклор ансамбллари ижроларида қўлланилади.



ЧАНГ. Чанг мусиқа чолғуси танбурнинг ўттиз икки пардасидан олиниб ихтиро қилинган. Баъзи ривоятларда гўё Арастун (Арестотель) ҳаким Зухро юлдузига қиёс қилиб ихтиро қилган дейилади. Ундан ташқари Абдулқодир Маъриғий ўзининг



«Мақосид ул алҳом» китобидан чанг мусиқа чолғусини юзига тери тортилган, унга 24 та тор икки томонига ип билан боғлаб қўйилган деган маълумот берилган бўлиб, нохун (тирноқ) воситасида ижро этилган. Эгри чанг мусиқа чолғусининг бир тури бу чолғунинг юз қисмига тери эмас балки ёғоч қопланган. Торлари ип билан эмас, чўплар воситасида беркитиб қўйилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида мусиқа ижрочилигида қўлланилаётган «Чанг» номли мусиқа чолғуси Шарқ ва бошқа халқларнинг миллий мусиқа ижрочилигида турли хил номланишларга эга. Беларусия,

Украинадаги – симбала, Уйғур халқларидаги – чанг, Эрондаги – сантурлар Ўзбекистондаги чанг мусиқа чолғусига ўхшаш. Кўпгина мусикий рисоаларда зикр этилган «Чанг» чолғуси ҳамда XVI асрларда Дарвеш Али Чангий ижро этган «Чанг» номли мусиқа чолғуси тамоман бошқа кўринишда бўлиб, ҳозирги кунда мусиқа ижрочилигида қўлланилаётган «Арфа» мусиқа чолғусининг айнан ўзидир. Чанг сози созанданинг ўнг ва чап қўллари билан чангга панжалар орқали «Чанг солиш» воситасида мусиқа ижро этиш маъноларини англатади. Қадимий чанг мусиқа чолғуси «Арфа»га ўхшаш бўлиб Шарқ халқлари миллий мусиқа чолғуларига бағишланган китобда берилган. Ундан ташқари XVIII-XIX асрларда Озарбайжонда чангга ўхшаш «Низха» ва «Миғни» номли мусиқа чолғулари бўлиб, улар айнан чанг ва конунга ўхшаш бўлиб, «Низха»да 81 тор, «Миғни»да 33 та тор уч қатордан тортилган бўлган ва бу турдаги чанг мусиқа чолғулари навозанданинг ўнг ва чап қўл бармоқлари, табиийки тирноқлари воситасида ижро этилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда «Чанг» чолғуси миллий ва замонавий мусиқа ижрочилигида кенг миқёсда қўлланилмоқда. Фахриддин Содиқов, Фозил Харротов, Ахмад Одилов, Рустам Негматов, Абдурахмон Холтожиевлар ўзига хос чанг ижрочилиги мактабини яратган устозлар ҳисобланади. Уларнинг ижрочилик анъаналарини ёш чангнавоз шогирдлари Тилаш Хўжамбердиев, Темир Махмудов, Анвар Лутфуллаев, Фазилат Шукурова, Абдусалом Муталов ва бошқалар давом эттирмоқдалар. Чанг мусиқа чолғусининг товушқатори уч октавадан иборат бўлиб, биринчи товуш «сол» овозидан бошланади. Чанг ижроси катта қамишдан ясалган иккита чўпча воситасида ижро этилади. Чанг мусиқа чолғуси тўғрисида кўпгина маълумотларни қуйидаги китобдан олиш мумкин (А.Одилов, А.Лутфуллаев. Чанг. Тошкент).

ҚАШҚАР РУБОБИ. Рубоб мусиқа чолғуси кўпгина Шарқ халқлари мусиқа ижрочилигида қўлланилади. Рубоб мусиқа чолғусининг турли хил нусхалари Араб мамлакатларида, Хитойнинг



Қашқар маҳаллагоҳида, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ҳамда Ўрта Осиёнинг кўпгина маҳалгоҳларида, Тоғли Бадахшон Автоном вилоятида мусиқа ижрочилигида қўлланилмоқда. Рубоб мусиқа чолғусининг яратилиши борасида турли хил маълумотлар мавжуд. Гўё рубоб Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида яратилганлиги ҳақида муаллифи номаълум мусиқавий рисолада маълумот берилган. Лекин бу маълумот тўғрисида Абдурауф Фитрат ўз китобида қуйидаги фикрни билдиради: «Бу йигирманчи йилларда Ҳиндистондан келтирилган «Саранг» исмли бир чолғунинг рубобга жуда ўхшашлиги мени жуда шоширган эди. Сўнгра қўлимга тушган Дарвеш Алининг «Рисолаий мусиқий» асарида бу чолғунинг Балхда ясалгани, Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида Хоразмда ривож топгани кўрсатиладур». Лекин бу берилган маълумот ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд Қашқар рубоби ҳақида эмас, балки Афғон ёки Бадахшон рубобига ўхшаш рубоб тўғрисидаги маълумотдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Қашқар рубоби ва Афғон рубоби, Тожикистонда эса Қашқар рубоби, Бадахшон рубоби, Помир рубоби, Қумри (катта рубоб) каби рубоб чолғулари мавжуд. Ўзбекистонда Қашқар рубоби 1937 йиллардан бошлаб қўлланила бошлаган. Бу борада рубоб мусиқа чолғусининг энг етук мутриб созандаси Ўзбекистон Халқ артисти устоз Муҳаммаджон Мирзаев билан суҳбат шуни кўрсатадики, Тошкентда дастлаб бир уйғур созандаси бу чолғуни ижро этиб юрган. М.Мирзаев бу рубобни кўриб ундан нусха олиш мақсадида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Санъат Арбоби халқ устаси Уста Усмон Зуфаров устахонасига боради. Айнан шу 1937 йилда Ўзбекистоннинг Москва шаҳрида бўладиган биринчи декадасида тайёргарлик кўрилиб, турли хил мусиқа чолғулари ҳам тайёрланаётган эди. Шу йили Уста Усмон Муҳаммаджон Мирзаевга ўзи олиб келган Уйғур рубобидан айнан нусха олиб бир неча рубоб тайёрлайди ва биринчи тайёрланган Қашқар рубоби М.Мирзаевга тақдим этилади. Маълумки, Қашқар рубобини дастлабки ижроси, бу чолғуни ўзбек миллий мусиқа ижрочилигида оммалашиб кетишига, кейинги йилларда

Қашқар рубобининг ўзига хос ижрочилик мактабини яратган буюк устоз М.Мирзаевнинг хизматлари буюқдир.

Қашқар рубобида 10 лаб мусиқий асарлар басталаниб «бам» ва «зир» ижрочиға хос икки рубобда М.Мирзаев ва Устоз Шавкат Мирзаевлар ижро этган мусиқий асарлар беҳисобдир. «Баҳор вальси», «Завқим келур», «Дил куйи», «Гулбаҳор ва Тановвор» ва бошқалар шулар жумласидандир. Узок йиллар қашқар рубобида махсус басталанган халқ куйлари, мақом асарларидан намуналар ижро этиб келинган. Кейинги йилларда устоз созанда Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган Артист Ш.Мирзаев рубобда ўзига хос мақом асарлари ижрочилиги мактабини яратиб, рубоб мусиқа чолғусини ўз шогирди Ўзбекистон Халқ Артисткаси Муножотхон Йўлчиева ижросидаги асарлар билан Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва кўпгина хорижий мамлакатлардаги йирик мусиқий анжуманларда намоиш этмоқда.

Ҳозирги кунда рубоб мусиқа чолғусини моҳир ижрочилари Ш.Мирзаев, Қобил Усмонов, Ари Бобохонов, Тоҳир Ражабов, Адҳам Худойкулов, Рифатилла Қосимов, Даврон Зиёдов ва бошқалар устоз М.Мирзаев ижрочилик мактабининг давомчилари ҳисобланади.

АФҒОН РУБОБИ. Афғон рубоби миллий мусиқа ижрочилигида асосан Бухорода қўлланилади. Абдурауф Фитрат «Рубоб» деб бу чолғу тўғрисида маълумот берган. Лекин бу маълумот Қашқар рубоби



ҳақидами ёки Афғон рубоби ҳақидами эканлиги фақат берилган маълумотномадек изоҳ орқали тушуниш мумкин. Чунки рубоб созининг торларини микдори, тузилиши албатта Афғон рубоби ҳақидаги маълумотлар. Бу турдаги рубоб Ҳиндистонда, Покистонда ҳамда Бадахшон вилоятида турлича номланишларда учрайди. Маълумки, Афғон рубоби Бадахшон вилоятининг баъзи маҳалгоҳлари, Афғонистон ҳудудида баъзилари Тожикистон ҳудудида мавжуд. Шу боис бу рубоб сози Бадахшонда

«Бадахшон рубоби», Афғонистонда «Афғон рубоби» деб аталади. Бадахшон рубобини косахона ва даста тузилиши бир бўлак ёғочдан тайёрланади. Унда асосан 5 та ичакдан тайёрланган торлар бўлиб, яъни улар турли хил йўғонликда. Ундан ташқари оқ пўлатдан тайёрланган ўн иккита симли торлари, яъни қўшимча садо берувчи торлари дастасининг орқа ён қисмида ўрнатилган.

Бу мусиқа чолғусининг ижроси ҳам ўзбек миллий чолғулари қатори барча мусиқа даргоҳларидаги рубоб синфларида ўргатилади.

Дастлабки ижролари Эргаш Шукруллаев, ҳозирги кунда Бухородаги Мухтор Ашрафий номидаги мусиқа билим юртида ва Олияхон Султонова раҳбарлигидаги «Ситораж-Моҳихоса» номли фольклор ансамблининг созандаси Тўра Жўраев Афғон рубоби ижрочисидир.

Тошкент Давлат Консерваториясида эса Афғон рубоби синфи бўйича доцент Ғуломқодир Эргашев устозлик қилади. Созланиши айнан Қашқар рубобига ўхшаш.

Тор мусиқа чолғуси. Тор мусиқа чолғуси асосан Туркияда, Эрон «Дастгоҳ»лари, Кавказ халқларининг «Муғам» асарлари», умуман миллий мусиқа ижрочилигида кенг миқёсда қўлланилади. Тор сози яъни мусиқа чолғуларига тақаладиган тор бўлиб бу чолғунинг номланиши ушбу атамадан олинган. Тор мусиқа чолғусининг Эрон ва Озарбайжонда тайёрланган нусхаларида айнан Эрон сетори сингари пардалар жойлашуви бир тон, чорак тонли пардалардан иборат.



Кейинги йилларда Ўзбекистонда аниқроғи Хоразм вилоятида миллий мусиқа ижрочилигини чолғу ва ашула йўли ижросида қўлланилмоқда. Маълумки, Ўзбекистонда 1960 йилларгача ҳофиз-хонандалар қашқар рубоби жўрлигида ашула йўлига хос асарларни ижро этишган. Дастлаб тор мусиқа чолғуси жўрлигида Хоразмда Бола бахши кейин эса Ўзбекистон Халқ артисти Комилжон Отаниёзов Хоразм мақомлари, халқ куйлари ва ўзи

басталаган мусикий асарларни ашула йўли ижроларини ижро этган. Шундан сўнг ҳозирги кунда деярли Ўрта Осиёда кўпгина ҳофиз-хонандалар «Тор» чолғуси жўрлигида ашула йўлига хос мусикий асарларни ижро этишади.

Лекин Туркия, Эрон ва Кавказ халқларида то ҳозирги кунга қадар «Тор» чолғуси анъанавий мусиқа ижрочилигининг чолғу ва ашула йўли ижроларида асосий мусиқа чолғуси ҳисобланади.

Торнинг созланиши ва фосиласи «до» кичик октавадан «сол» ёки «ля» иккинчи октавагача.

ДУТОР. Дутор ижросида асосан ўнг қўлнинг панжалари асосий бўлиб, ипакдан ёки ичакдан тайёрланган торлари урилади. Баъзан айниқса «Қўштор» номли мусикий асарни ижросини биринчи қисмида ўнг қўлсиз ва чап қўлнинг пардалар узра ҳаракати туфайли ижро ҳосил қилиниб, иккинчи қисмида эса ўнг қўлнинг панжасидан фойдаланилади.


Мазмуни **Ду** – икки, **тор** – тор, яъни иккитор деган маънони англатади. Чолғуда икки тор мавжуд бўлиб, биринчи тори кичик октаванинг ля товушига, иккинчиси эса шу октаванинг ми товушига соزلанади. Ўзбек халқи ҳам дутор чолғусини жуда қадрлаб, севиб ўз ҳаётий кечинмаларини ушбу соз оҳангларига жо этиб моҳирона ижро этишлари тарихдан аён.



Унинг сеҳрли оҳанглари инсон қалбини нурафшон этиб меҳр-муҳаббатга, жасурлик ва матонатга чорловчи чуқур ҳиссиётни уйғотади. Айниқса халқимиз дутор наволарини жуда хуш кўриши азал-азалдан барчага маълум. Шу боис мамлакатимизда кўплаб дуторчи созандадар гуруҳлари ташкил этилди. Халқимизга концерт томошаларини бериб оҳангга ошуфта қалбларни баҳраманд этиб келмоқдалар. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб атоқли бастакор Ўзбекистон Халқ артисти Ғанишер Тошматов ташкил этган республика «Дуторчи қизлар» ансамблини айтиб ўтиш жоиздир.

Халқимиз ўртасида энг кўп ижро этиш учун оммалашгани дутор альтдир. Қолган дутор оиласи ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларида доимий ижро этишга мўлжалланган.

УД. Биз тасвирда кўриб турган чолғу қадимий уд чолғуси ҳисобланади. Бу чолғуда олти жуфт тор яъни 12 тор мавжуд бўлиб, аниқ овозларга эга эмас. Созандалар ўта сезгирлик, эшитиш қобилиятларини зийраклик билан ишга солиб слух ёрдамида ижро этилади. Айниқса чолғуни халқ чолғу асбоблари ансамблида моҳирона ижро этилса, миллий оҳангларимизга жозоба бағишлайди. Ҳатто халқ кўшиқчилиги жанрида ижро этилиб ашула ва кўшиқларга сеҳрли ва ёқимли оҳангги билан жўр бўлади. Чолғу қадимий, унинг сирли нолаларида шарқ халқларининг узоқ кечмиши миллий қадриятлар акс этган тарихий нидоси сеҳрли садоланади.



ДОИРА. Доира мусиқа чолғуси мусиқа ижрочилигида асосан мезон ҳисобланиб, якка ижро, икки, уч, тўрт, беш ва кўпроқ чолғулар жўрлигидаги жамоа ижролари жараёнида ҳамда хонанда ва созандалар жўрлигидаги ижролар, бир меъёردа муайян ўлчовлардаги доира зарблари асосида ижро этиб турилади. Шу аснода ижро жараёнида секин, ўртача, тез ва жозибадорлиги сезилиб турилади.



Доира мусиқа чолғуси Шарқ халқларида турли хил номлар билан аталиб ижрочиликда қўлланилади. Масалан, доира, даф, чирманда, чилдирма, Туркияда эса «думбалак» номи билан аталади. Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда турли хил кўринишдаги доиралар учрайди.

Ўзбекистонда эса доира мусиқа чолғуси халқ ашулалари, яллалар, терма, лапар, мақом асарларини чолғу ва ашула йўли ижроларида кенг миқёсда қўлланилади. Доира ижро этиладиган ижро зарблари эса турли даврларда ҳар хил номланиб, аруз вазнлари асосида тартибга келтирилиб «Т»

ва «Н» ҳарфларидан фойдаланилган. Масалан, та-на, тан-нан, тана-нана ва ҳакозо¹⁷.

Маълумки, Бухоро шаҳрида мусиқа илмини амалий ва назарий масалаларига катта эътибор бериб келинган. 1920 йилларгача Бухорода мавжуд мусиқа ижрочилиги ҳақида ёзиб қолдирилган кўпгина мусиқий рисоаларга таянган ҳолда Абдурауф Фитрат доира зарблари ҳақида шундай маълумот беради. У доира зарбларини «усул» деб атади. Бунда «нағма» ва «ниқра» тўғрисида сўз юритилади. «Мусиқий олимларимиз мусиқада усул белгилаш учун шундай ҳаракат қиладилар. «Куй»да бир-бирига бойланиб келган «ниқра»ларнинг «тан» шаклида бўлганини «сабаб-и ҳафит», «тана» шаклида бўлганини «сабаб-и сақил», «танан» шаклида бўлганини «фосила» деб атайдилар. Мана шул (тан, тана, танан) шаклларида бойланган ниқраларни белгили бир тартибда йиғиб, мусиқий усулларни майдонга чиқарадилар.

«Танан-тан-танан-тан» (фалилум-фалилум) вазнга «Ҳазаж» дейдилар. «Тан-танан-тан-танан» (фоилум-фоилум) вазнига «Рамал» дейдилар. Мана шундай қилиб «усул» доираларини доираларини тузадилар. Усул доиралари баъзиларига кўра ўн беш, баъзиларига кўра ўн етти, баъзиларига кўра йигирма тўрт йигирма еттидир. Усул доираларидан машҳур ўн иккитасининг отлари мана шулардир. Ҳазаж, рамал, вофир, дуяк, фохтазарб, туркий мухаммас, сақийл, чанбар, зарб-и-қадим, зарбул-фатҳ. Фитрат бу китобда ўз фикрини давом эттириб, ҳозирги кунда ўзбек мусиқа ижрочилигида доира зарбларидан «Танан-тананан» ўрнига эса «бак-бака-бака-бум» номланишдаги ижролари қўлланилаётганлигини таъкидлайди. Шундай қилиб ҳозирги кунда ўзбек мусиқасида «бум-бак» (Хивада «қуб-тақ») номли доира зарблари бўлиб, ушбу китобчани 12-саҳифасидан то 24-саҳифаларигача Бухорода мавжуд мақом асарларини ижроларида қўлланилган жуда кўп сонли доира зарблари ҳақида маълумот берган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусиқа ижрочилигида доира мусиқа чолғусини хотин-қизлар халқ ашулалари лапар,

¹⁷ И.Ражабий. Мақомлар масаласига доир. Тошкент. 1963. 68 с

ялла ижроларида кенг фойдаланадилар. Улар отин, яллачи, лапарчи, халифа, созанда деб аталади. Ундан ташқари Бухоро, Фарғона, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё ўзининг доира ижрочилик мактабларига эга эканлиги ҳақида маълумотлар берилган¹⁸. Ҳозирги кунда 40 дан ортиқ доира зарблари, яъни усуллари ўзбек мусиқа ижрочилигида қўлланилади. Айниқса энг мураккаб ижрога хос доира зарблари Юнус Ражабий нотага олган «Шашмақом» китобларида берилган.

Ўзбекистонда ўзига хос доира ижрочилиги мактабини яратган устозлардан Усто-Олим Комилов ва шогирдларидан Ғофур Азимов, Тўйчи Иноғомов, Қаҳрамон Дадаев, Дода Хўжа ака Соттихўжаев, ака-ука Элмурод ва Дилмурод Исломовлар, Санъатилло Азимов, Халил Муҳаммадиев ҳамда ҳозирги кунда ўзбек мумтоз мусиқа ижрочилигига айниқса мақом асарларини чолғу ва ашула йўли ижросида ўзига хос доира зарбларини мукаммал эгаллаган доира чолғучи созанда Ўзбекистон Давлат Консерваториясидаги «Анъанавий ижрочилик» бўлимининг доира синфи бўйича устози Раҳматилла Самадов ўзига хос доира ижрочилик мактабини яратган етук устозлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда доира ижрочилиги бир тўғри чизилган чизикқа ёзилади. Яъни, бум чизикни остига, бак чизикни устига ёзилади. Ундан ташқари доира ижрочилигида бум-бак, катта бак, кичик бак, катта бум, кичик бум, нохун, рез каби ижролар мавжуд.

Доира ижрочиси албатта мақом асарларида мавжуд чолғу ижросига хос тасниф, тарже, қардун, муҳаммас, сақил ҳамда ашула йўли ижросига хос сарахбор, талқин, наср ва тароналари, уфур, мўғулча, савт ва улардаги давомий асарларида мавжуд доира зарбларини ижроларини ҳамда Ўзбекистонда ашула йўли ижросига хос ашулалардан «Гиря», «Баёт IV», Ю.Ражабий басталаган «Куйгай», «Не наво соз айлағай» ва бошқа ашулалар ижросида қўлланиладиган доира зарбларини мукаммал ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

¹⁸ Файзулло Кароматов, К.Олимбоева ва М.Ахмедовлар «Ўзбекистон халқ созандалари» 1959. 59-63 с

Барча мусиқа даргоҳларида доира синфлари мавжуд бўлиб, доира ижрочилиги кенг миқёсда ўрганилмоқда.

ҚЎШ-НОҒОРА. Сиз тасвирда кўриб турганингиз «Қўш-ноғора». Бу чолғу ҳам халқимизнинг қадимий сози ҳисобланади.



Бежирим ҳолда ясалган сопол қуйма бўлиб, оғзи мол териси билан қопланган. Улар бир-биридан фарқ қилиб, катта ва кичик ноғоралардир.

Тери қисми оловда қиздирилади – биринчиси тарангроқ қиздирилса, иккинчиси эса йўғон овоз учун пастроқ қиздирилади.

Садоланиши юқори ва паст ижрога мослашган. Халқимизнинг тўй-ҳашамлари-ю, байрам-сайлларида карнай-сурнай ва ноғораларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ушбу тантановор миллий оҳангларда қўш-ноғоранинг ҳам ўрни бекиёсдир.

ХУЛОСАЛАР

Шарқ ва ўрта осий халқлари чолғулари азалдан халқ ижро амалиётида шаклланиб, турли кўриниш ва таркиблар асосида фойдаланиш анъана бўлиб келган. Аввало анъанавий чолғуларнинг ҳар бири юқори профессионал даражадаги индивидуаллик хусусиятига эга. Халқ ижрочилик амалиётида шунга мос ижро имкониятлар, шароитлар ва ижро услублар юзага келганлиги кўриб чиқилди.

Шарқ ва ўрта осий халқлари чолғу созларининг тараққиёти жараёнида анъанавий халқ чолғулари таркибидан жой олган чолғу созлар: танбур, дутор, сато, рубоб, уд, най, сурнай, кўшнай, карнай, ғижжак, чанг, қонун, дойра, ноғора ҳамда халқ ижодиётида қўлланиладиган созлардан чангқўбиз, сибизғи, сафоил каби турлари ўрганилди.

Ўзбекистон ва Тожикистонда рубоб (Помир воҳасини эътиборга олмаганда) деярли икки турда – афғон ёки бухоро рубоби ва ўтмишда уйғур мусиқа ҳаёти ва маълум даражада улар орқали республикамизнинг Фарғона водийси ҳудудлари учун хос бўлган қашқар рубоби Ўзбекистон, Тожикистон ва Ўрта Осиёнинг ўзбек тожик ва уйғурлар яшайдиган ҳудудларида якканавоз ва жўрनावозлик чолғу сифатида оммалашганлиги, ижро усуллари, ижрочилари, ясашиши каби барча жараёнлари мусиқий таълимда қашқар рубоби ижрочилигининг мазмуни ўрганилди.

Шарқ ва Ўрта Осиё халқларининг мусиқа чолғусозлари ҳақида ўқувчи ёшларнинг маданий ва маънавий савиясини шакллантириш йўлида мусиқа чолғулари ҳам бекиёс ўрни борлиги аҳамият касб этади. Ёш авлоднинг мусиқий саводхонлигини оширишда Миллий чолғу асбобларнинг таркибий тузилиши ва ижро маданиятини ўрганишда мусиқа ва санъат мактаблари, санъат коллежлари, маданият коллежи ва олийгоҳларнинг мусиқа кафедраларида мунтазам машғулотлар кенг кўламда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда миллий чолғуларимизнинг ижрочиликдаги ўрни ва моҳир созандачилик санъати намоёндалари тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар ҳатижасида тўпланган малумотлардан умумтаълим мактаблари мусиқа маданияти фани ўқитувчилари, мусиқа ва санъат мактаблари ҳамдасанъат ва маданият коллежлари мусиқа ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Диёримиз узра эрта тонгдан чуқур фалсафий ғоялар эрк ва бахт-саодат учун кураш, илк муҳаббат дарди, соғинч ва умуман чуқур инсоний ҳис-туйғуларда ифодаланган давлатимиз Мадҳиясининг мусиқа чолғулари ижросида янграши мусиқа оҳанглари орқали чуқур ифодаланади. Биргина шу муқаддас мадҳиямизнинг ўзи дилрабо, латофатли, теран бадиий моҳиятли ва навқирон даъватли оҳанг ҳар доим инсонга ҳамнафасдир.

Адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов “Юксак маънавият –енгилмас куч” Т.Маънавият, 2008-й,
2. Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Тошкент 1963 й
3. М.М.Хайруллаев. Фаробий. Тошкент 1963.
4. М.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент 1965
5. А.Ражабов. Нағмаи Ниёгон. Душанбе. Адиб 1998.
6. М.Рахмонов. Ўзбек театри. Тошкент 1975 й.
7. А.Навоий. Танланган асарлар. Жилд III. 1948.
8. Бобурнома. Тошкент 1958.
9. Тилаб Махмудов. Авесто ҳақида. Тошкент 2000.
- 10.Н. Шодмонов. Темурийлар даврида мусиқашунослик. Тошкент 1995.
- 11.А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати IV. Тошкент 1985.
- 12.Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент. 1993 й.
- 13.Н.Миронов. Музыка узбеков. Самарканд. 1929
- 14.Ф.Кароматов ва бошқалар «Ўзбекистон халқ созандалари» 1959.
- 15.Интернет маълумотлари -WWW.Ziyonet. -Pedagog.uz.